

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 1418-ҳадис

A horizontal sequence of 20 empty rectangular boxes arranged in four rows of five. This visual element likely represents a grid for inputting or displaying data.

Ўнинчи дарс: Таҳоратнинг фазилати хусусида

Аллоҳ таоло: "Эй иймон келтирганлар! Намозга турмокчи бўлсаларингиз, юзларингизни ва қўлларингизни чиғаноқлари ила ювинглар. Бошларингизга масҳ тортинглар. Ва оёқларингизни тўпиқлари ила ювинглар. Агар жунуб бўлсаларингиз, покланинглар. Агар бемор ёки сафарда бўлсаларингиз ёхуд бирорталарингиз таҳоратхонадан келса ёки аёлларга яқинлик қилса-ю, сув топа олмасаларингиз, бас, покиза тупроқ ила таяммум қилинглар. Ундан юзингизга ва қўлларингизга масҳ тортинглар. Аллоҳ сизларга қийинчилик туғдиришни истамас Аммо сизларни поклашни ва сизларга ўз неъматини батамом қилиб беришни истайдир. Шоядки шукр қилсангизлар" (Моида сураси, 6-оят), деб айтган.

1. «Албатта, умматим қиёмат куни таҳоратнинг асаридан пешона

ва оёқ-қўлларидан оппоқ нур тарагиб турган ҳолларида чақирилади. Сизлардан ким нурини узайтиришга қодир бўлса, шуни қилсин», деганларини эшитганман».

Икки шайх ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

